Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 4 сентябрь жума

Сотувда эркин нархда № 180 (1961)

## КУН ТАРТИБИДА – ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТИ

***Сирдарё вилоят ҳокимлигида халқ таълими ислоҳотларини жадаллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда 1999-2005 йилларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш, уларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва маблағ билан таъминлаш дастурини ишлаб чиқиш масалалари муҳокама этилди.***

Таъкидланганидек, ҳозирги кунда вилоятда битта академик лицей ва учта касб-ҳунар коллежи, шунингдек, 331 умумтаълим мактаби бўлиб, уларда 160 минг нафарга яқин ўқувчи таълим олмоқда. Бу ўқув муассасаларида таълим-тарбия ишларини замон талаблари асосида ташкил этиш, барча шаҳар ва туманларда камида биттадан академик лицей ва касб-ҳунар коллежини очишга эришиш долзарб вазифа эканига эътибор қаратилди. Йиғилишда вилоят ҳокими Ў.Исмоилов сўзга чиқди.

**Ф. НОРМАТОВ,**
**ЎзА мухбири.**




## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Жаноби Олийлари,

Мустақиллик куни муносабати билан Сизга, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига ғоят қизғин қутловларимни изҳор этишни истардим.

Муаммолар ва талаблар миллатлар билан халқлар ўртасида кўпроқ ҳамкорлик қилишни тақозо этаётган, глобаллашув тобора ортиб бораётган ҳозирги дунёда БМТнинг тинчлик, адолат ва инсоний фаровонлик йўлидаги фаолияти ҳамон ниҳоятда муҳим бўлиб қолмоқда. Мана шу янги глобал даврнинг янги талабларига БМТ мослашиб бораётган бир пайтда шуни англаш қувончлики, Ташкилотимиз Ўзбекистоннинг кучли ва узлуксиз мададига умид қила олади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромларимни қабул қилгайсиз.

**Кофи АННАН,**
**БМТ Бош котиби.**

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Жаноби Олийлари,

Сизни шонли байрам — Ўзбекистон Мустақиллиги куни билан муборакбод этиш шарафига муяссарман.

Ўзбек давлатчилигининг қайта тикланиши, шубҳасиз, бутун Марказий Осиё минтақасининг энг янги тарихида ғоят катта воқеалардан бири бўлиб қолдики, бунинг етти йиллигини Ватанингизнинг барча ҳақиқий дўстлари ҳам кенг нишонламоқдалар. Шуниси ҳам қувончлики, қардош ўзбек халқи ўзининг миллий байрамини мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий қайта ўзгартириш йўлида янгидан-янги муваффақиятлар билан кутиб олмоқда.

Манфаатларнинг муштараклиги ва салмоқли ҳуқуқий негизга таянувчи Ўзбекистон билан Грузия ўртасидаги самарали ҳамкорлик жўшқин ривожланиб, ўзаро манфаатли, тенг ҳуқуқли ва дўстона муносабатлар тимсоли бўлиб қолмоқда.

Пировардида Сизга ва барча ватандошларингизга бахт-саодат, тинчлик ва равнақ тилайман.

Камоли эҳтиром билан,

**Эдуард ШЕВАРДНАДЗЕ,**
**Грузия Президенти.**

* * *

**АЛЛОҲ ТАОЛО НОМИ БИЛАН**
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Сиз Жаноби Олийларини ҳамда мамлакатингизнинг мусулмон ва шарофатли халқини дўст Ўзбекистон мамлакати Мустақиллиги куни муносабати билан муборакбод этаман.

Ишонаманки, Эрон Ислом Жумҳурияти ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги биргаликдаги саъй-ҳаракатлар, дўстона алоқалар илгаригидан ҳам кўпроқ ривож топажак.

Аллоҳ Таолодан Сиз Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига равнақ ва бахт-саодат тилайман.

**Саййид Муҳаммад ҲОТАМИЙ,**
**Эрон Ислом Жумҳурияти Президенти.**

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Ўзбекистоннинг миллий байрами муносабати билан, Жаноби Олийлари, шахсан Сизга самимий табрикларим ва энг эзгу истакларимни, Ўзбекистон халқига эса бахт-саодат ва равнақ тилашни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

**Мартти АХТИСААРИ,**
**Финляндия Республикаси Президенти.**

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига самимий табрикларимни изҳор этиш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз Жаноби Олийларига эсон-омонлик, Ўзбекистон халқига бахтли истиқбол тилайман.

**Томас КЛЕСТИЛ,**
**Австрия Республикаси Федерал Президенти.**

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Жаноби Олийлари,

Фурсатдан фойдаланиб, Сизни ва Ўзбекистон Республикаси халқини мамлакатингиз Мустақиллиги куни билан табрикламоқчиман.

Чин кўнгилдан умид қиламанки, давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар бундан буён ҳам ўзаро манфаатдорлик асосида ва мамлакатларимиз халқларининг равнақи йўлида ривожланиб, мустаҳкамланиб бораверади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Валдас АДАМКУС,**
**Литва Республикаси Президенти.**

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Мамлакатингизнинг миллий байрами муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига Саудия Арабистони Подшоҳлиги халқи ва ҳукумати, шахсан ўз номимдан самимий табрикларим ва холис истакларимни йўллайман. Сиз Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, қардош Ўзбекистон халқига тараққиёт ва фаровонлик доимо ҳамроҳ бўлишини тилайман.

Сиз Жаноби Олийларига самимий саломлар ва юксак эътибор билан биродарингиз, икки муқаддас масжид ходими,

**Фаҳд бин Абдулазиз ОЛ САУД,**
**Саудия Арабистони Подшоҳлиги Подшоҳи.**

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Президент жаноблари,

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан, Президент жаноблари, Сизга ва дўст ўзбек халқига поляк халқи номидан ва шахсан ўз номимдан самимий табрикларимизни ва ҳар тарафлама фаровонлик тилаб билдирган истакларимизни йўллайман.

Мамлакатингиз тараққиётидаги тарихий муваффақиятларни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё ва дунёда тутган ўрнини зўр эътибор ва хайрихоҳлик билан кузатиб турибмиз.

Дўстона ва ўзаро фойдали Польша-Ўзбекистон муносабатлари иккала халқимиз ва халқаро ҳамкорлик манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ривожланиши ва мустаҳкамланишига ишончим комил.

Муҳтарам Президент жаноблари, Сизга бўлган чуқур эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Александр КВАСНЕВСКИЙ,**
**Польша Республикаси Президенти.**

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунининг байрам қилиниши муносабати билан Сизни ва Сиз орқали қардош ўзбек халқини тожик халқи номидан ва шахсан ўз номимдан табриклайман.

Биз Тожикистонда икки қардош халқларимизнинг кўп асрлик тинч ва бунёдкорона яшаш анъанасига эга бўлган Тожикистон-Ўзбекистон ўртасидаги бузилмас дўстона муносабатларига жуда катта аҳамият берамиз.

Шу йилнинг бошида Тошкентда бўлиб ўтган олий даражадаги Тожикистон - Ўзбекистон учрашувидан сўнг мустақил давлатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик изчил кенгайиб ва чуқурлашиб бораётгани қувонарлидир.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга чин қалбдан мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, кенг қамровли фаолиятингизда катта ютуқлар, қардош Ўзбекистон халқига эса омонлик ва равнақ тилайман.

**Имомали РАҲМОНОВ,**
**Тожикистон Республикаси Президенти.**

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Президент Жаноблари ва азиз биродарим,

Мамлакатингизнинг миллий байрами муносабати билан Сизга самимий қутловларимни ҳамда сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва равнақ тилаб билдирган эзгу истакларимни, шунингдек, Сизга бўлган юксак эҳтиромларимни йўллашни истайман.

**Генерал Лансана КОНТЕ,**
**Гвинея Республикаси Президенти.**

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Миллий байрам — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, мамлакатингиз ва халқингизга равнақ тилаб билдирган самимий ва энг эзгу истакларимни етказишга рухсат этгайсиз.

**Ҳожи Ҳассанали БОЛКИАҲ,**
**Бруней султони.**

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сиз орқали Ўзбекистоннинг дўст халқини миллий байрам — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунининг етти йиллиги билан муборакбод этишга ижозат бергайсиз. Ишончим комилки, ўзаро ҳурмат ва ишонч борасида республикаларимиз орттирган қимматли тажриба тинчлик, барқарорлик ва ҳамкорлик манфаатларини кўзлаб халқларимиз фаровонлиги йўлида ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун пухта негизни таъминлайди.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, шахсан Сизга бахт-саодат, омонлик, қардош Ўзбекистон халқига эса тараққиёт ва равнақ тилаб билдирган эзгу истакларимни қабул қилгайсиз.

**Минтимер ШАЙМИЕВ,**
**Татаристон Республикаси Президенти.**

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан Корея Халқ Демократик Республикасининг Марказий Халқ Қўмитаси Сизга ва мамлакатингиз халқига қизғин табрикларини йўллайди.

Жаноби Олийлари, фурсатдан фойдаланиб мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари янада ривожланади, деб ишонч билдиришга ҳамда Сизга ва республикангиз халқига мамлакатингизни гуллаб-яшнатиш ишида катта муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

**Корея Халқ Демократик Республикаси Марказий Халқ Қўмитаси.**

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Сизга бахт-саодат, мамлакатингиз халқига эса равнақ тилаб, ўзимнинг самимий қутловларимни ва чин дилдан билдирган эзгу истакларимни Сиз, Жаноби Олийларига йўллаш менга катта мамнуният бахш этади.

**АКИХИТО,**
**Япония Императори.**

## ТЎЙГА АРЗИГУЛИК ТЎЁНА








Мустақиллик байрами арафасида Сурхондарё вилояти маркази — Термиз шаҳри аҳолиси ажойиб тўёна олди: бу ерда бамисоли Шарқ эртакларида тасвирланган гўзал маскан — деҳқон бозори ишга туширилди.

Мазкур савдо мажмуи миллий меъморчилик услубида барпо этилган бўлиб, сервиз хизмати ҳозирги замон даражасида эканлиги билан ажралиб туради. Унда ҳамма нарса ипидан игнасигача ҳисобга олинган: фаввораланган майдончалар ҳам, ажойиб меҳмонхона ҳам, автомашиналар бекати ҳам, савдо расталари ҳам бор. Минг ўринли икки қаватли бозор биносида эса ҳар бир турдаги маҳсулот алоҳида-алоҳида расталарда сотилади.

Термизликлар ва шаҳар меҳмонларига, шунингдек, чойхона ва ошхоналар, маиший хизмат шохобчалари хизмат кўрсатмоқда.

**СУРАТЛАРДА: «Термиз» деҳқон бозори мажмуидан лавҳалар.**

**И. ХЎЖАЕВ (ЎзА)**
**олган суратлар.**

## СОЛИҚ КОЛЛЕЖИ ОЧИЛДИ

Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси солиқ коллежини ташкил этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинганидан буён кўп вақт ўтгани йўқ. Ана шу давр ичида энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган шундай ўқув муассасаси биноси қуриб битказилди. Бу ерда курсантлар учун тўрт қаватли ўқув корпуси, компьютерли синфхоналар муҳайё қилинди. Тўрт қаватли ётоқхона, икки юз ўринли ошхона қурилди. Машғулотлар ўтказиш учун ҳарбий майдонча барпо этилди. Ёшлар бу ерда уч йил давомида ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатини ўтайдилар, давлат таълим стандартлари доирасида умумтаълим ҳамда ҳунар дастурларини тўла ўзлаштирган ҳолда солиқ соҳаси мутахассиси бўлиб етишадилар.

2 сентябрь куни янги ўқув муассасасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Уни коллеж директори, Ўзбекистон Республикаси солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари Ў.Зокиров очди. Давлат мадҳияси янграб, Ўзбекистон Республикаси байроғи кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков коллеж курсантларини илк ўқув йилининг бошланиши билан табриклаб, ҳарбийлашган солиқ коллежининг очилиши солиқ тизимини ривожлантириш йўлида Президентимиз қилаётган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси эканлигини таъкидлади. Янги типдаги солиқ тизими давлатимизнинг иқтисодий куч-қудратини оширишда, молиявий жабҳани янада соғломлаштиришда, бюджетни маблағ билан муттасил таъминлаб боришда ишончли таянч бўлиб қолишини қайд этди.

Коллеж курсантлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига миннатдорлик мактуби қабул қилдилар. Унда, жумладан, шундай сатрлар бор:

— Биз бу ерда фақат солиқ илминигина эмас, айни пайтда ҳарбий билимларни ҳам пухта эгаллаймиз. Ватаннинг жанговар топшириқларини бажаришга тайёр турувчи мард ўғлонлар бўлиб етишамиз. Ватанимиз, халқимиз, ота-оналаримиз билдирган юксак ишончга ҳамиша муносиб бўлиш, ҳур диёримизнинг буюк келажаги йўлида фидокорлик кўрсатишни муқаддас бурчимиз, деб биламиз.

Маросимда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси У.Худойқулов, Бош вазир ўринбосарлари А.Азизхўжаев, Б.Ҳамидов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов қатнашди.

**(ЎзА)**

### Бугуннинг гапи

## ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАЛАРИ МАВСУМГА ШАЙМИ?

Ғаллакор ғалвирни сувдан кўтарди, қоракўлчи-ю, пиллакор ҳам олди-ортини йиғиштириб олди, полизчининг ҳам меҳнат самараси кўзга ташланиб қолди. Аммо эрта баҳорда не бир умидлар билан ерга уруғ қадаган пахтакорнинг ташвишлари ҳали тугаган эмас. У қалб кўри, пешона тери билан етиштирган ғўзалар гуллади, шоналади, кўсак тугди ва лўппи-лўппи бўлиб ҳосил берди. Баъзи вилоятларда пахта йиғим-терими аллақачон бошланиб кетди ва айрим бригада ҳамда пудратчилар йиллик режаларини ҳам адо этиб бўлдилар. Хуллас, мамлакатимизда катта йиғим-терим фронти бошланди.

Табиийки, бундай пайтда деҳқонга техника ёрдамга келади ва унинг оғирини енгил, мушкулини осон қилади. Техника — деҳқон қаноти, деб бежизга айтишмаган. Хўш, айни пайтда мамлакатимиз вилоятларида бу жиддий мавсумга қандай ҳозирлик кўрилаётир? Ана шу мақсадда прокуратура органлари томонидан текширишлар ўтказилди ва таассуфки, натижалар нафақат деҳқонни, ҳаммамизни ҳам ранжитди.

Маълумки, ҳукуматимизнинг бир қатор қарорлари асосида пахтачиликни ривожлантириш, умуман, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни жадаллаштириш мақсадида туман ва туманлараро МТП (машина-трактор парклари) ташкил қилинган, барча қишлоқ хўжалик техникалари ягона бошқарувга ўтказилган эди. Текширишлар шуни кўрсатдики, жойлардаги туман ҳокимликлари, МТП, хўжаликлар ва мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари ўтган йилги хато ва камчиликлардан тегишли хулоса чиқармаганлар, ўз хизмат вазифаларига масъулиятсизлик билан қараш оқибатида пахта йиғим-теримига етарли даражада тайёргарлик кўрилмаган. Айниқса, пахта йиғим-терим техникаси, юклаш ва ташиш воситаларини тайёрлаш, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш масалалари ҳам ўз ечимини топмаган. Жумладан, Сирдарё вилоятидаги машина-трактор парклари ва хўжаликлар ихтиёридаги мавжуд 1875 та пахта териш машинасининг 543 таси ёки 28,9 фоизи, 4594 та тележканинг 2113 таси ёки 45,9 фоизи, 223 та пахта юклагичдан 55 таси ёки 19 фоизи, кўрак териш ва кўрак чувиш машиналарининг 20-25 фоизи тайёрланган, холос. Шунингдек, пахта териш, ташиш ва қайта ишлаш машиналари учун двигатель, гильза-поршен, коленвал, плунжер паралари, радиатор ва шина каби эҳтиёт қисмларни топиш ҳам пайсалга солинмоқда.

Пахта териш ва ташиш транспорт воситаларининг таъмирланиши ҳамда тайёргарлиги тўғрисидаги статистика идораларига тақдим қилинган ҳисоботларда ҳақиқий аҳволни бузиб кўрсатиш, яъни таъмирланмаган ва мавсумга тайёр бўлмаган техникалар сонини қўшиб ёзиш ҳолатларига ҳам йўл қўйилган. Текширишларда аниқландики, мазкур вилоятда мавсумга тайёр деб кўрсатилган 794 та пахта териш машинасининг 251 таси ҳали носоз экан. Жумладан, Сайхунобод туманида 102 та, Боёвутда 83 та, Оқолтинда 56 та техникани ҳисоботга қўшиб ёзганлар. Ёхуд Сурхондарё вилоятидаги Ангор тумани техника таъминотидагиларнинг ҳам «ковуши» ҳақиқий фактдан анча илгарилаб кетган. Статистика маълумотларига кўра, тумандаги мавжуд 20 та пахта териш комбайнининг ҳаммаси мавсумга шай деб кўрсатилган. Текширишларда эса туманда 18 та комбайн борлиги, уларнинг 8 таси ёки 44,4 фоизи тайёр эканлиги маълум бўлди. Маълумотларни бўрттириб кўрсатганлиги учун тумандаги «Мустақиллик», «Новшаҳар», «Таллимарон», М. Азизов ва Ш. Рашидов номли жамоа хўжаликларининг бош муҳандислари Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 215-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилди. Худди шундай фактларни биз ҳар бир вилоят ҳисоботларида учратдик.

Наманган туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида 4 та кўсак чувиш, 1 та пахта териш машинаси таъмирланмаганлиги ва қаровсиз қолдирилганлиги, 6 та пахта ташиш араваси тайёр эмаслиги, уларга шиналар етишмаслиги, бундай қонунбузилишлар «Ўзбекистон» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида, «Хонобод», «Ижодкор», «Пахтаобод» жамоа хўжаликларида ҳам йўл қўйилганлиги аниқланди. Мағиз аччиқ бўлса пўстига ҳам уради, деганлари рост. Хўжалик ва туман раҳбарларидаги масъулиятсизлик, эътиборсизлик ўша ерда хизмат қилаётган меҳнаткаш муҳандисларга ҳам «юқмоқда». Жумладан, тумандаги «Ўзбекистон» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бош муҳандиси У. Жамолиддинов жуда катта суммадаги эҳтиёт қисмларни бошқа техникаларга ишлатиб юборган. Бу эҳтиёт қисмлар (тирсакли вал, поршен, ҳаво тозалагич, генератор ва бошқалар)нинг умумий суммаси 65 минг 414 сўмни ташкил қилади. Шу туфайли прокуратура ходимлари томонидан ўз мансабига совуққонлик билан қарагани учун унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 207-моддаси 1-қисми билан жиноий иш қўзғатилди.

Ғалла ўрим-йиғими тугагач, айрим туман ва хўжалик раҳбарлари пинакка кетишган кўринади. Билъакс, қишлоқ хўжалик техникалари бунчалик қаровсиз, очиқ ҳолда қолиб кетмас, эҳтиёт қисмлар талон-тарож бўлмасди. Ёв кетса ҳам қиличингни занглатма, дейдилар. Чунки бугун сенинг оғирингни енгил қилган буюм эртага ҳам бир корингга ярайди. Агар шу нақлга амал қилганларида Қизилтепа туманидаги «Тошработ» жамоа хўжалиги бош муҳандиси Х. Умаров ва МТП мудири Б. Ҳикматовлар 1990 йилда келтирилган ва бирор марта ҳам пахта йиғим-теримига жалб этилмаган ХНП-1,8А маркали 2 дона пахта териш машинасини очиқ ҳавода, қор-ёмғир остида сақламаган бўларди. Негаки, ҳозирги пайтда ушбу машиналарнинг эҳтиёт қисмлари талон-тарож қилинган ва машиналарнинг ўзи қонунсиз равишда ҳисобдан чиқарилган. Натижада жамоа хўжалиги бундан 35766 сўм зарар кўрган.

Хоразм, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё вилоятларида ҳам пахта йиғим-терим машиналарини мавсумга тайёрлаш муаммоси тўла ҳал этилган, деб бўлмайди. Текширишлар шуни кўрсатаяптики, жойларда боқибеғамлик, тўрачилик иллатлари ҳали йўқолмаган. Прокуратура органлари томонидан берилаётган огоҳлантиришлар ҳам баъзида ўз ечимини тўлалигича топмаётир. Натижада эрта-индин оммавий бошланадиган халқ маъракасига беқанот ёки мўрт қанот билан бориш хавфи туғилмоқда. Бу эса бугун, айни пайтда, ҳар биримизни ва ҳаммамизни ҳушёр торттириб, муҳим ишга масъулият билан ёндошишни тақозо қилади.

**Ҳ. МАҲМУДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси умумий назорат бошқармаси бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси.**
**Э. БОЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЕВРОПА ВА ОСИЁДА НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

**Ўзбекистон мустақиллигининг 7 йиллиги байрами шодиёналари «Турксат» сунъий йўлдоши орқали Туркия ҳамда Европа ва Осиё мамлакатларига тўғридан-тўғри намойиш этилди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг байрам табриги ва Мустақиллик майдонидаги катта концерт дастури Туркиянинг «ТРТ-2», «ТРТ Инт» ва «Авраcия» дастурлари орқали турк ва инглиз тилларидаги изоҳлар билан томошабинларга тақдим этилди. Бунда Туркия радиотелевидение давлат компаниясининг Меҳмет Али Ўзпўлат бошчилигидаги ижодий гуруҳнинг ҳиссаси катта бўлди.**

**Н. МУҲАММАДИЕВ,**
**«Жаҳон» АА.**
**Анқара.**

Банк тизими: кадрлар сиёсати

# БАНКИР БЎЛИБ ТУҒИЛМАЙДИЛАР

## Одатда улар тарбия қилинадилар

Жамият ривожланишида, бошқаришнинг бир тизимидан иккинчисига ўтиш даврида одамларнинг одатдаги фикрлаш тарзи тубдан ўзгариши аниқ. Шу маънода, айтиш мумкинки, ҳозирги мураккаб босқичда янгича тафаккур шаклланаяпти. Банк тизими ҳам бундан мустасно эмас. Ҳар қандай банк фаолиятининг муваффақияти унинг ходимлари малакаси, ўтиш даврига хос мураккаб шароитларга мослаша билиш, муаммоларни тезда ва олдиндан ҳал эта олиш қобилиятига боғлиқ. Бу вазифалар халқаро андозалар даражасидаги банк ходимларини тайёрлаш заруратини юзага келтиради.

Илтимосимизга кўра, Марказий банк бошқаруви раиси ўринбосари, иқтисод фанлари доктори Ашур ҚОДИРОВ банк ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалалари хусусида қуйидагиларни сўзлаб берди:



— Ҳозирги кунда Ўзбекистон иқтисодиёти макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, тузилмавий ислоҳотларни чуқурлаштириш, миллий бойликларни яратиш йўлидан борар экан, кичик ва ўрта мулкдорлар мавқеини оширишнинг навбатдаги босқичида турибди.

Иқтисодий ислоҳотларни ривожлантиришнинг навбатдаги босқичида эса бозор институтлари — турли мулк шаклидаги корхоналар ва молиявий тузилмалар фаолиятини жадаллаштириш, маҳаллий ҳокимият органлари, тижорат банклари, корхоналар ва хусусий тадбиркорларнинг энг қулай тарзда ўзаро ҳамкорлик қилиш йўлларини излаш муҳим аҳамиятга эга. Бу масалаларни ҳал қилиш ўз навбатида молия, банк иши, саноат ва қишлоқ хўжалиги учун малакали мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштиришни талаб этмоқда. Қолаверса, икки поғонали банк тизимига ўтиш, Марказий банк ҳудудий бошқармалари ва тижорат банклари ўртасида мутлақ янги ҳамкорлик муносабатларининг ўрнатилиши ҳам бу масалага ечим топишни тақозо этади. Чунки банк тизими ривожланаётган бозор шароитига мос тарзда фикрлайдиган ва ҳаракат қиладиган ходимларга катта эҳтиёж сезмоқда.

Табиий савол туғилади: бугунги кунда банк ходимларига қандай талаблар қўйилмоқда ? Аввало, улар ўз хизмат фаолиятларига кўра, кенг қамровли фикрлаш қобилияти ва иқтисодиётнинг барча соҳалари бўйича чуқур билимга эга бўлишлари зарур. Банк ходими, айтайлик, ҳатто қишлоқ хўжалик экинларини экиш, уларни парваришлаш ва йиғиб олиш муддатларини ҳам билиши керак. Ахир, қандайдир омилларнинг ҳисоб-китоби етарли даражада юритилмаслиги муаммоларни келтириб чиқариши, яъни берилган кредитларнинг ўз вақтида қайтарилмаслигига олиб келиши мумкин. Шу боис банк томонидан молиявий таъминланадиган соҳаларнинг технологик жараёнларини чуқур билиш оддий ходимлар учун ҳам, раҳбарлар учун ҳам шарт. Бошқача айтганда, ҳозирги кунда банкка таҳлил қилиш қобилиятига эга, турли ахборотлар оқимидан қулай йўналиш топа оладиган, ўз вақтида ва тўғри қарор қабул қиладиган етук мутахассислар сув ва ҳаводек зарур. Негаки, соҳамизнинг ҳар бир ходими шунчалик кўп ахборот олаяптики, агар улар билан ишлаш тизимига эга бўлмасангиз, у бефойда бўлиши мумкин.

Янгиланган ва ёшарган банк тизими олдида ёш кадрларни ўқитиш, уларда кўникмалар ва амалий тажрибаларни ҳосил қилиш каби бошқа муҳим вазифалар ҳам турибди. Замон талабларига жавоб бера оладиган кадрларни тарбиялаш масаласини ҳал қилиш учун, Марказий банкнинг Ходимлар билан ишлаш департаменти саъй-ҳаракатлари туфайли кадрларни танлаш, ходимларни ўқитиш ва уларнинг хизмат пиллапояларидан кўтарилишига доир ишлар сифат жиҳатидан ўзгартирилди. Ёш мутахассисларни босқичма-босқич суҳбатдан ўтказиш (ёш мутахассис бораётган бўлим бошлиғидан тортиб ҳудудий Бош бошқармалар бошлиқларигача), синов муддати бериш, талабаларни ўқув амалиётидан ўтказиш асосида танлаб олиш орқали банк тизими мутахассислари ва раҳбар ходимларининг ёшариб боришига эришилди. Бугунги кунда Марказий банк ходимларининг ўртача ёши ўттиз беш ёшни ташкил этмоқда.

Ихтисослашган банк синфлари кадрлар тайёрлаш тизимининг базавий босқичи ҳисобланади. Уларда иқтидорли йигит ва қизлар банк иши сирларини чуқур эгалламоқдалар. Бундай синфлар Саноат-қурилиш банки, «Пахтабанк», Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки каби етакчи тижорат банклари ҳомийлигида кўплаб ташкил этилган.

Банк иши бўйича мутахассисларни тайёрлаш тизимининг кейинги босқичи коллежларда ўқитишдир. Республикамизда 8 та ихтисослаштирилган ўқув юрти мавжуд бўлиб, улар ичида энг кексаси — яқинда 30 йиллигини нишонлаган Марғилон ҳисоб-кредит техникуми ҳисобланади. Ушбу ўқув юртининг Термиз шаҳрида ҳам филиали бор. Марғилон ҳисоб-кредит техникуми ва Тошкент банк коллежини молиявий жиҳатдан бевосита Марказий банк таъминлайди. Уларда жами 1000 нафардан ортиқ талаба ўқитилиб, бутун банк тизими учун ўрта бўғин мутахассислари тайёрланмоқда.

Банк тизимида, шунингдек, олий маълумотли, аммо иқтисодий маълумотга эга бўлмаган, келгусида ўз фаолиятини банк тизими билан боғлашни ният қилган кўпгина кишилар ишлаётганлари сир эмас. Республикамизнинг етакчи институтлари ва университетларида улар учун иккинчи иқтисодий мутахассисликка эга бўлиш имконини берадиган махсус шароитлар яратилмоқда.

Шу билан бирга, коллежлар ва университетларда олинган билимлар банк соҳасининг энг масъулиятли соҳаларини бозор талабларига мувофиқ ҳолда бошқариш учун етарли эмаслигини айтиб ўтиш жоиз. Шуни ҳисобга олиб, қобилиятли ва истиқболли ходимларни малака ошириш учун Минтақавий банк ўқув маркази, Банк-молия академияси каби обрўли тренинг марказларига ўқишга юбораяпмиз. Бу марказлар сертификатланган дастурларни ишлаб чиқиб, таълим олаётганларга шу асосда билим бермоқдалар, салоҳиятли ўқитувчиларни жалб этиб, яхши техник базани тайёрлаяптилар.

Марказий банк ташаббуси билан ташкил этилаётган, Минтақавий банк ўқув маркази мутахассислари томонидан вилоятларда олиб борилаётган сайёр курслар ҳам ижобий натижалар бермоқда. Бу курсларга Марказий банк ходимларидан ташқари, тижорат банклари мутахассислари ҳам жалб қилинмоқда.

Маълумки, бозор иқтисодиётига ўтишдек мураккаб шароитда ўқитиш ишлари амалдаги банк муаммолари билан боғлаб олиб борилиши лозим. Ўқитувчи бўлғуси мутахассисларни жорий амалиётда кўп учрайдиган ўзига хос ва одатдан ташқари муаммолар ечимига қандай ёндашиш зарурлигини ўргатиши керак. Ҳозирги кунда иқтисодий таълим ва фаннинг ўзи банк фаолияти ва амалиёти билан ёнма-ён бориши қийин. Шу сабабли бу борада ўқитувчилар учун кенг имкониятларни яратиб бермоқдамиз. Марказий банк департаментларида Минтақавий банк ўқув маркази, Тошкент молия институти, банк коллежининг айрим ўқитувчилари тажриба орттирмоқдалар. Булардан ташқари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти талабалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳамда Банк-молия академияси тингловчилари доимий равишда бизнинг банкда дипломолди ва ишлаб чиқариш амалиётини ўтаяптилар.

Айни чоғда биз малака оширишга доир масалаларни ҳал қилишда ихтисослашган муассасалар ўқув курслари билан чекланиб қолмаяпмиз.

Марказий банк ўзининг юқори малакали мутахассислари имкониятидан иложи борича тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Унинг марказий аппарати ходимлари ҳозирги кунда банк ишининг барча йўналишлари бўйича билим ва кўникмаларга эгадирлар. Шундай бўлса-да, ҳудудий бўлинмаларимиз ходимлари ўз малакаларини ошириш, билимларини бойитишга эҳтиёж сезмоқдалар. Шу муносабат билан Марказий банк томонидан ҳар йили пул муомаласи ва валютани тартибга солиш, кредитлашни ташкил этиш, қимматли қоғозлар операцияларини ўтказиш, тижорат банкларини назорат қилиш масалаларига доир ўнлаб семинарлар ташкил этилмоқда. Бу семинарлар жараёнида эса давра суҳбатлари, турли ишбилармонлик ўйинлари уюштирилмоқда.

Марказий аппаратнинг истиқболли ходимлари тижорат банкларида амалий тажриба орттираётганлари ҳам ўз навбатида мутахассисларимиз касб ва малака даражасини оширишда самарали натижалар бермоқда.

Амалий вазифалар ечимини топишда, албатта, долзарб муаммолар таҳлили бўйича чуқур назарий ва амалий тадқиқотларни олиб бориш, банк тизимини ривожлантириш стратегиясини англаб етиш, мамлакат иқтисодий ривожланиш жараёнини бошқа мамлакатлар билан таққослаган ҳолда умумлаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Сабаби — бугунги кунда молия, пул муомаласи, халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида замонавий Ғарб назариясига доир билимларга эга бўлмай туриб, сифатли иқтисодий таҳлилни амалга ошириб бўлмайди. Шу боис биз банк тизимида кадрларни тайёрлашга ҳар томонлама ёндашган ҳолда, муайян мутахассислик бўйича ходимларни тайёрлаш билан бирга, Марказий банкнинг илмий-тадқиқот базасини ҳам ривожлантираяпмиз.

Шу ўринда Иқтисодий тадқиқотлар ва статистика марказининг муваффақиятли фаолиятини қайд этиб ўтмоқчиман. Бу марказнинг ёш жамоаси томонидан икки йил аввал «Ўзбекистон банк тизими» китоби нашр этилган эди. Айни кунларда «Ўзбекистон молия бозори шарҳи» чораклик бюллетени, банк ишига доир қўлланмалар туркуми тайёрланмоқда, ихтисослаштирилган «Бозор, пул ва кредит» журналида жиддий таҳлилий мақолалар эълон қилиб борилмоқда. Шу йил бошида босмадан чиққан «Ўзбекистонда ўтиш давридаги макроиқтисодий муаммолар» китоби эса нафақат мутахассислар, балки кенг китобхонлар — олим, ўқитувчи, талабаларнинг билим доирасини кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Чунки бу китобда макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсиш, инвестициялар, хусусийлаштириш ва мулкчилик муносабатлари чуқур тадқиқ қилинган.

Банк тизими эндиликда юқори малакали мутахассислар ишловчи энг муҳим ахборот ва таҳлил марказларидан бири бўлиб қолганига ажабланмаса ҳам бўлади. Бу зарурий талаблардан келиб чиқмоқда ва жаҳон андозаларига мосдир. Иқтисодиётда юз бераётган мураккаб жараёнларга пул ҳажми ва унинг ҳаракатини тартибга солувчи, бозорнинг молиявий юраги бўлган Марказий банк фаолияти ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Ушбу жараёнларни тўғри тартибга солиш учун, Марказий банк мамлакат иқтисодий аҳволига доир кенг ахборотларни мунтазам равишда чуқур таҳлил қилиб бораётир. Зеро, юзага келаётган муаммоларга ўз вақтида ва мос равишда жавоб бериш керак.

Марказий банк мутахассислар ва раҳбарларнинг малака даражасини оширишда, шунингдек, турли халқаро ташкилотлар, бошқа давлатлар банклари билан ҳам яқин ҳамкорликда ишламоқда. Айниқса, Вашингтон, Вена, Токио, Канберра, Бангкок ва Сингапурда курслар ва семинарлар ташкил этаётган Халқаро валюта фонди мутахассисларимизнинг касб даражасини оширишда муҳим роль ўйнамоқда.

1997-1998 йиллар мобайнида Марказий банк, унга тобе корхоналар ва ташкилотлар, ўқув юртлари мутахассислари АҚШ, Англия, Германия, Япония, Австрия, ХХР, Миср, Буюк Британия, Италия, Туркия, Бельгия, Таиланд, Австралия, Швейцария ва бошқа бир қатор мамлакатларда ўз малакаларини ошириб қайтдилар. Раис ўринбосарлари, республика аппарати етакчи департаментлари директорлари Марказий Осиё ва МДҲ мамлакатлари учун халқаро институтлар томонидан ташкил этилаётган молия секторини ривожлантиришга доир деярли барча конференциялар ва турли семинарларда иштирок этмоқдалар.

Ана шу тадбирлар, албатта, муайян натижаларга эришишимизда қўл келмоқда. Зарур адабиётларнинг нашр этилиши, мутахассисларимизнинг Баренц групп (АҚШ), Артур Андерсен (АҚШ) каби хорижий компаниялар ишида маслаҳатчи сифатида қатнашаётганликлари ҳам муваффақиятларимиз салмоғини оширмоқда.

Банк кадрларини тарбиялашга йўналтирилган тизим фақат жорий вазифа — тадбирларни амалга оширишдан иборат, деб тушунмаслик керак. Марказий банк бошқарувининг кенгайтирилган мажлисида кадрлар фаолияти асосий йўналишлари бўйича 2000 йилгача мўлжалланган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб тасдиқланган. Улар муваффақиятли амалга оширилмоқда, бинобарин, ўз натижаларини беришига ишонамиз.

Банк кадрларини шакллантириш мустақил давлатимиз банк тизими аҳволи ва уни ривожлантириш истиқболлари, Ўзбекистон иқтисодиётидаги ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқ. Шу сабабли молия-банк таълими, банк ходимлари малакасини ошириш, банк тизими учун илмий имкониятлар ва ахборотлар муҳитини ривожлантириш соҳасида фаолият кўрсатаётган кишиларнинг энг асосий вазифаси иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришларни янада тўлиқ ва тезлик билан ҳисобга олиш, улардан иш ва ўқув жараёнида янада кенг фойдаланишдан иборатдир.

**«Халқ сўзи» мухбири Икром ЎТБОСАРОВ ёзиб олди.**



***Неъматжон Содиқов таниқли уста, Ўзбекистон Қаҳрамони Мирумар Асадовнинг суюкли шогирдларидан. У боболаримиз Амир Темур, Баҳоуддин Нақшбанд мақбараларини таъмирлашда, ўнлаб тарихий обидаларга қайта ҳусн ва кўрк бағишлашда иштирок этган.***

***Уста ҳозирги кунда ҳам ўзининг бор билим ва тажрибасини шаҳардаги қурилишлар, тарихий обидаларни таъмирлашга сарфламоқда. Унинг, айниқса, Бибихоним ёдгорлигини таъмирлашдаги хизматлари таҳсинга сазовордир.***



**СУРАТЛАРДА: Бибихоним ёдгорлиги тикланмоқда; Самарқанд таъмирлаш устахонаси устаси Неъматжон Содиқов.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## ХИВА КУЛОЛЛАРИ

***Хива кулоллари ўзларининг бетакрор санъат асарлари билан нафақат юртимизда, балки қўшни Қозоғистон, Туркманистону Тожикистонда ҳам машҳур. Хива ҳунармандларининг ижод маҳсули — лаганлар, гулдонлар, чойнак-пиёлалар, турли хил ёдгорлик буюмларига хорижда ҳам талаб юқори.***

***Сиз кўриб турган ушбу суратда «Хива сополи» акционерлик жамияти кулоли Роза Салаева, цех бошлиғи Равшан Рўзимбетов ва бош муҳандис Собиржон Ортиқов тайёр буюмлар сифатини кўздан кечиришаётир.***

**А. МУРОТОВ (ЎзА) олган сурат.**



Ўтмишдан бир садо

# ЭРКНИ СЕВАР ЭДИ

Шукрлар бўлсинким, мустақиллик шарофати ўлароқ неча асрлик тарихимиз, буюк бобокалонларимиз, қадриятларимиз ҳақида тарихий ҳақиқат юзага чиқиб, бундан ўн йиллар олдин хаёлга ҳам келмаган истиқлолга, ҳурриятга эришдик.

Аммо чуқур ва холис ўйлаб кўрилса, бу кунларга етишишимизга муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаб, ҳаққоний баҳо берганларидек: **«Қанча-қанча фидойи инсонларимиз, авлодларимиз жон бериб, қон ютиб, турли йўллар билан курашиб, истиқлолимиз, мустақиллигимиз учун бутун ҳаётларини бахшида этганлар».**

Эндиликда тарихимизда номлари зарҳал ҳарфлар билан битилаётган бундай фидойи инсонлар халқимизнинг қаҳрамонлари сифатида эъзозланмоқда.

Асримиз тонггида майдонга чиққан чор Россияси зулмига қарши, истиқлол, ҳуррият учун кураш бошлаган фидойи зиёлиларимиздан бири Миробид Иноятовдир.

Миробид Иноятов 1889 йилда Тошкентнинг Эскижўва маҳалласида зиёли-ҳунарманд оиласида таваллуд топди. Миробидлар оиласи аҳли ҳунарманд бўлишига қарамай, ўқимишли, маданиятли ва илғор фикрли кишилар сифатида бутун Эскишаҳар мавзесига яхши танилганди.

Миробид ака-укалари ўртасида ҳам илмга, янгиликка чанқоқлиги, дунёқараши билан ажралиб турарди. Шунинг учун мадрасани тугатгач, отаси уни Тошкентдаги маҳаллий аҳоли болалари учун очилган гимназияга ўқишга беради.

У гимназияда Абдулла Қодирий билан бирга таълим олди. Ўқиб юрган вақтларида Шарқ ва Ғарб адабиёти ҳамда маданиятининг илғор, таниқли арбоблари асарлари билан танишди. Гимназияни аъло баҳолар билан тамомлади. У бу вақтга келиб араб, форс, рус тилларини ўз она тилидек мукаммал билар эди.

Ота касби — заргарлик билан шуғулланган бўлса-да, аммо ўқиш-ўрганишни тарк этмади. Тошкентда ўзбек ва рус тилларида нашр этилаётган матбуотни мунтазам тарзда мутолаа қилди. Абдулла Қодирий билан ҳамфикр, ҳаммаслаҳат бўлиб, дўстлигини узмади.

Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Фитрат каби зиёли тенгдошлари билан дўстлашади ва биргаликда ҳаракат қилади. У ўнлаб сафдошлари каби чор Россиясига қарши курашда шу йўлни танлаганида, инқилобдан сўнг Туркистон алоҳида ҳур бўлиб яшаяжаклигига астойдил ишонган эди.

Эътиқодли, жасур ва эрксевар Миробид 1918 йилда Эскишаҳар Совети ижроқўми раиси вазифасига тайинланди. 1919 йилда эса Тошкент Эскишаҳар шўро кенгаши раиси этиб сайланди.

Ўша даврларда ким дўст, ким душман, ким ҳақиқатда миллатни, халқни ўйлайди, ким фақат ўз тўнини ўзгартириб юртига қарши зимдан иш юритганини англаб бўлмасди.

1926 йилдан Миробид Иноятов Туркманистон молия халқ комиссари вазифасида ишлайди. 1933 йилда эса яна Тошкентга қайтиб, аввал жумҳурият «Мол тайёрлаш» ташкилотининг бошлиғи, кейинчалик эса Ўзбекистон савдо халқ комиссари этиб тайинланади.

Бу йилларда авж олган очарчилик халқ бошига мисли кўрилмаган кулфатлар солган эди. Ана шундай шароитда озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар билан халқни таъминлашдек масъулиятли вазифада ишлаш ва унга раҳбарлик қилиш катта билим, тажриба, фидойилик талаб этарди. Деҳқон хўжаликларини ёппасига «коллективлаштириш» ҳаракати ҳам шу даврларга тўғри келиб, ўрта ҳол деҳқонларни ва ким «колхозга» кирмаган, яъни аъзо бўлишни истамаган бўлса, «қулоқ» қилиб ҳайдалар эди. Булар эса халқни озиқ-овқат билан таъминлаш масаласини янада қийинлаштирар ва унинг бошига келган кулфатга-кулфат қўшар эди.

Ана шундай хавфли шароитда Миробид Иноятов халқни, юртни ўйлаб, гарчанд қийин бўлса-да, ўз вазифасини имон-виждон билан бажарарди.

Совет Россияси ҳам чор Россияси, оқ подшо амалдорлари каби маҳаллий аҳолига, бошқа миллатларга, айниқса, туркий халқларга нисбатан менсимаслик, ишончсизлик, босқинчилик, талончилик, сўзда бошқа — амалда бошқа, бир бутун Туркистонни бўлиб юборишга қаратилган сиёсат юргизишда ўта фирибгар эканлигини тўғри тушунган Миробид Иноятов ўша даврдаги миллатпарвар ва ватанпарвар раҳбарлар қаторида Туркистоннинг мустақиллиги учун қайғуради. У маҳаллий эркпарвар, халқпарвар раҳбарлар, зиёлилар, адиблар ва бошқаларни бирлаштирган «Миллий иттиҳод», «Иттиҳод ва Тараққий», «Шўройи ислом», «Туркистон бирлиги» каби ташкилотлар тузилишида ва ҳаракатида фаол иштирок этади.

М. Иноятовнинг укаси Миржалол Иноятов ўз эсдаликларида шундай хотирлайди: «Акам Москваданми, Ашхободданми, қаердан бўлмасин Тошкентга келганларида албатта бизникида туриб, адамлар билан дийдор кўришиб кетар эдилар. Шундай пайтларда «тушликка ё кечқурун нонуштага меҳмонлар, уч-тўрт дўстларим билан келаман, Миржалол, сен хизматга шай бўлиб тургин, иложи борича ортиқча одам бўлмагани маъқул» деб тайинлаб кетардилар. Мен ўша вақтларда 14-15 ёшлардаги ўқувчи эдим. Айтган вақтларида уйимизга кўпчиликка таниш бўлган Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Акбар Исломовлар келишарди. Баъзи вақтларда мен танимаган кишилар ҳам ташриф буюришарди. Уларнинг бири Қозоғистондан, бири Тожикистондан, яна бошқаси Фарғонадан, хуллас, турли ўлка ва шаҳарлардан келган бўлишар эди. Бизга уларни таништириб ўтирмасдилар.

Улар эшикни беркитиб овқатланишар, сўнгра чой устида узоқ суҳбат қуришарди. Мен акамнинг имо-ишораларига қараб, нима керак бўлса, олиб келиб турардим. Мендан бошқа ҳеч ким уларнинг олдига кирмаслигини қаттиқ тайинлаб қўярдилар. Шундай вақтларда уларнинг гап-сўзларидан миллий истиқлол, мустақиллик, диний эътиқод эркинлиги, Умумтуркистон халқлари озодлик ҳаракати, деган жумлаларни англаб қолар эдим. Меҳмонлар кетгандан сўнг, Миробид акамдан тушунтириб беринг, деб сўрасам «Бу ерда эшитганларингни ҳеч кимга айта кўрма, хўпми, ука? Сенга ишонаман-а» дердилар.

Акам Тошкентга қайтиб келганларида мен 20 ёшларга кирган, мустақил фикрлай оладиган, ўқитувчилик билим юртини тугаллаб, мактабда ишлаётган эдим.

Ўша вақтларда одамлар тўсатдан уйидан олиб кетилиб, қайтиб келмаган, «Фалончини қамабди, пистончини отишга ҳукм қилибди, сургунга жўнатибди, бола-чақаси билан қаёққа кетганини ҳеч ким билмайди» каби совуқ гаплар жуда авж олган эди. 1935 йилда акамни Тожикистонга Ер-сув ишлари комиссари этиб ишга жўнатишди. 1937 йилда Тошкентга келиб ҳарнечук ўзлари сезган эканларми, ҳамма билан видолашиб кетдилар. Уларга миллатчи, пантуркист, панисломист, шўро тузумига қарши аксилинқилобчи, Ўзбекистонни иттифоқдан ажратиб, мустақил жумҳурият ўрнатмоқчи бўлган шахс, деган сиёсий айблар қўйишган. Мени ҳам шу муносабат билан бир неча бор НКВДга чақиртириб, сўроқ қилишган: «Аканг Миробид Иноятов билан бирга уйингларга кимлар келиб турган, улар нималар ҳақида суҳбатлашишар эди, шўро тузумига, иттифоққа қарши қанақа гаплар айтишган?» деган саволлар билан қистовга олишар эди».

Хуллас, 16 ёшидан шўроларнинг адолатли давлат, жамият қурамиз, ҳар бир халқ ўз ҳақ-ҳуқуқига эга бўлади, ўз тақдирини ўзи ҳал қилади, деган ваъда ва шиорларига астойдил ишониб, «нажот йўлини» излаган ва якка ҳукмрон мафкуранинг тиғи-парронига учраган Миробид Иноятов «халқ душмани» тамғаси билан отишга ҳукм қилинди.

Уларнинг оилалари сургун қилиниб, мол-мулки мусодара этилди.

«Қатағон» машинаси Миробид Иноятовнинг турмуш ўртоғи Хайринисани ҳам четда қолдирмади. Уни ҳам бирга олиб кетиб, ўн тўрт ой қамоқда сақладилар. Фарзандлари Мирфаёз, Мираббос, Ойбўстон, Лаъли, Раънолар эса Оренбург ва унинг биқинида жойлашган Бузулук деган қишлоқда 14 ой сургунда бўлдилар.

Ҳозирги кунда кенжа қизи Раъно Иноятова Тошкентда ҳаёт кечирмоқда.

Миробид Иноятовнинг табаррук номи ҳам 1956 йилда бошқалар қаторида оқланди. Аммо унинг ҳақидаги ҳақиқатни 40 йилдан сўнггина мустақиллигимиз, истиқлолимиз шарофати ила ёзиш имконияти туғилди.

Ушбу қувончли йилда Миробид Иноятов ва юқорида номлари келтирилган, шунингдек, бу йўлда жон фидо қилган барча юртдошларимиз руҳи шод бўлиб, Ватанимиз узра кезиб юрган бўлса, не ажаб...

**М. ЖАЛОЛОВ, педагогика фанлари номзоди.**




## МАРРАГА БИРИНЧИ БЎЛИБ КЕЛИШДИ

Ватанимизнинг бу йилги уюлажак улкан «оқ олтин» тоғининг илк тонналари давлат қабул пунктларига келиб туша бошлади. Қашқадарё вилоятининг Қарши туманидаги «Лёва» фермер хўжалиги давлат заҳираларига 150 тонна пахта топшириб, республикада биринчи бўлиб зиммасидаги шартнома мажбуриятларини адо этди. Л.Н. Ким бошлиқ мазкур хўжалик давлатга яна 150 тонна пахта сотишга аҳд қилди. Шунда унинг далаларидаги ҳосилдорлик миқдори гектар бошига 50-55 центнерга етади.

Нишон туманидаги қоракўлчиликка ихтисослаштирилган «Нишон» жамоа хўжалиги ҳам қабул пунктларига 100 тонна пахта топширди. Буюртма мажбуриятларини биринчилардан бўлиб уддалаган бу хўжалик деҳқонлари эл хирмонига яна 200 тонна оқ дурдона топширишга қарор қилдилар. Хўжалик далаларида ҳосил ҳали мўл-кўл.

**М. САФАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

